

ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИДА УҚУВЧИЛАРНИНГ НОТИҚЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Фазлиддин Абдуразақов

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти доктаранти

e-mail: termiz_region@mail.ru

Телефон: +99891-711-84-84

Аннотация

Барчамизга маълумки, ўқувчиларга ахлоқий-эстетик тарбия беришда нотиқликнинг ўрни катта. Бунда сўзга чиқаётган киши нутқининг тузилишини кўриб чиқиш ва бунинг учун нутқ мазмунини ишлаб чиқишда риоя қилиниши керак бўлган асосий қоидаларни билиш муҳим роль ўйнайди. Бу ҳақида кўплаб олимларимиз ўрганиш олиб бориб, самарали натижаларга эришган. Мазкур мақолада ушбу фикрлар ҳақида сўз бориб, ўқувчиларнинг нутқ маданиятини шакллантириш орқали эстетик тарбияни ривожлантириш мақолаининг асосий мақсадидир.

Калит сўзлар: нутқ, нотиқлик, риторика, воизлик, жамият, эстетик гўзаллик, чиройли сўзлаш, маданият, қобилият, граматика, поэтика, лексикография, матншунослик, стилистика.

Кириш

Барчамизга маълумки, “Риторика” (юнонча *rhētorikē* - нотиқлик) - нотиқлик санъати, кенг маънода эса бадиий наср ҳақидаги фан. Риторика милоддан аввалги V - IV асрларда Юнонистонда юзага келиб, милоддан аввал III-II асрларда тизимли фан шаклини олган. Риторика милоддан аввалги I асрда Римда кенг тарқалган. 19-асрда адабиёт назариясига кўшилиб кетган[1].

Нотиқлик санъатига қизиқиш кучайиши билан ривожлана бошлаган мантиқ дастлаб гапирувчи учун муҳим бўлган масалани ҳал этишга ҳаракат қилган. Қадимги нотиқларнинг фикрича, яхши нутқнинг кучи фикрларнинг ўзаро боғланиши билан белгиланади - агар тингловчилар бир фикрни қабул қилса, у билан боғлиқ қолган фикрларини ҳам тан олиши керак[2].

Тингловчиларга ҳақиқатни етказиш ва уларни у ёки бу фикрнинг тўғрилигига ишонтириш билан боғлиқ ҳар қандай ахборот узатиш жараёни ўзаро боғлиқ 3 унсурдан ташкил топади.

Биринчи унсур - исботланиши керак бўлган фикр.

Иккинчи унсур- фикрнинг тўғрилигини исботловчи асос ва далиллар.

Учинчи унсур - намойиши, яъни фикр ва асос, далиллар ўртасидаги алоқани кўрсатувчи мантикий боғланиш[3].

Фикрлашнинг мантикийлигини таъминлашда бу унсурлар борасида шаклланган қоидаларга риоя этиш муҳим аҳамиятга эга.

Юнон маданияти, хусусан, Афина нотиқлик санъати таназулга юз тутган бир пайтда Италияда Рим нотиқлик санъати ривожлана бошлади. У антик нотиқликнинг яна бир муҳим тармоғи эди. Бу нотиқлик лотин тилида шаклланганлиги туфайли “Лотин нотиқлиги” деб ҳам юритилади.

Рим империяси ижтимоий мазмуни жиҳатидан қулдорлик тизимига асосланган бўлиб, унда фақат ижтимоий тузум тараққиёти эмас, балки нотиқлик санъати тараққиётида ҳам Юнонистон тарихининг, хусусан, Афина тарихининг айрим босқичларининг такрорланишини кўрамиз[4]. Чунки Рим маданиятига юнон, хусусан Атика маданияти катта таъсир ўтказган эди. Негаки, юнон демократиясининг равнақи эрамиздан олдинги I асрга тўғри келса, Рим империясининг ривожланиш даври эрамиздан олдинги IV-III асрларга тўғри келади. Шунинг учун ҳам илғор юнон маданияти, юнон нотиқлик санъатининг Рим нотиқлик санъатига таъсир этиши табиий бир ҳол эди.

Хуллас, қадимги Юнонистон ва Римда маданий нотиқлик назарияси ривожлантирилди. Бу назария кейинчалик Европада нутқ маданиятига бағишланган фаннинг майдонга келишига асос бўлди[5].

Кейинги пайтларда нотиқлик санъати ва нутқ маданиятини айна бир тушунча деб билувчилар ҳам йўқ эмас. Бу икки тушунчани ифодаловчи фанлар бир-бири билан жуда яқин, айна пайтда бири иккинчисини тўлдирувчи, лекин бошқа-бошқа фанлар эканлигини унутмаслик лозим.

Нотиқлик санъати - бу, асосан, нутқнинг оғзаки шакли. Нутқ маданияти эса, нутқнинг ҳам оғзаки, ҳам ёзма шакли учун тааллуқли тушунчадир. Нотиқлик нутқ воситасида кишиларга муайян ғоя ва мақсадларни етказишни, тушунтиришни, таъсирлантиришни, уларни маълум мақсадда сафарбар қилишни кўзда тутди[6].

Тилни яхши билиш тилнинг грамматик қонун-қоидаларини, луғат бойлигини ҳамда фонетик ва стилистик хусусиятларини пухта ўзлаштириб олиш билан белгиланади. Кўпинча нотиқ сўзга чиқишдан олдин фикрларини ёзма шаклда тайёрлайди: нималар ҳақида тўхталмоқчи, қандай мисоллар келтирмоқчи, ана шуларни ёзиб чиқади. Айрим кишилар, айниқса, талаба-ёшлар мақсадларини оғзаки сўзлаб бермоқчи бўладилар-да, кўпчиликнинг салобати босиб, гапларини йўқотиб қўядилар ёки ёзганларини бош кўтармай ўқиб берадилар.

Маълумки, ҳар қандай нутқ маданий нутқ талабларига мос келсагина, унда ифодаланаётган фикр ҳам тингловчи томонидан яхши қабул қилинади. Бадиий матнларда фикрни таъсирчан, бадиий-образли эканлигини белгиловчи асосий

мезон - нутқ маданиятидир. Шу маънода, бадиий матнда бадиийлик ва таъсирчанликни уюштиришда шу матн талабларига мос ифодалардан фойдаланилади, бундай ифодалар одатда адабий тил меъёрларига мос келмайди. Бироқ улар бадиий нутқ талабларига мослигига кўра бадиий нутқ маданиятининг асосий белгисидир[7].

Инсон нутқи иккига бўлинади:

1. Оғзаки;
2. Ёзма.

Ёзма нутқ адабий тил нормаларига ва драматургияга бўйсунди. Оғзаки нутқ ёзма нутққа таянади ва тил орқали ифодасини топади. Бундан ташқари нутқ сўзлашув воситаси бўлиб, давлат ва жамиятнинг барча соҳаларига хизмат қилади[8].

Нутқ таълим тизими, санъат, маданият тармоқларининг турли йўналишларига эга. Оғзаки нутқнинг шакллари: монолог (бир кишининг сўзлаши), диалог (икки киши ўртасидаги мулоқот), полилог (кўп кишилар ўртасидаги мулоқот).

Ёзма нутқнинг услублари: сўзлашув, бадиий, илмий, публицистик, расмий-идоравий. Кишилар чиройли, мазмундор нутқ масаласи билан жуда қадимдан қизиқиб келадилар. Қадимги Грецияда (Юнонистон) ва Римда нутқ маданиятининг назарий асослари яратилди. Нутқ олдида қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилди. Бунга қулдорлик тузумининг ривожланиши, қулдорлик демократияси сабаб бўлди. Бу даврда давлатнинг, савдо-сотиқнинг, суд ишларининг ниҳоятда тараққий этиши нотиқликни санъат даражасига кўтарди[21]. Етук инсон бўлиш учун албатта, нотиқлик санъатини эгаллаш шарт қилиб қўйилади. Ана шу эҳтиёж туфайли нотиқлик назарияси яратилади[9].

Унинг Цитсерон, Демосфен, Квинтилиан, Аристотел каби назарийчилари етишиб чиқади. Эрамизнинг 335-йилида Аристотелнинг “Риторика” си яратилади. Унда нотиқ олдида қуйидагиларни вазифа қилиб қўяди:

- Материални ҳар томонлама тайёрлаш.
- Материални жойлаштириш режасини белгилаш.
- Материални ўзлаштириш, нутқ қурилишини тўғрилаш.
- Нотиқнинг нутқ материални ўрганиши.
- Материални сўз билан ифодалаш.
- Нутқни талаффуз қилиш, яъни нутқ жараёни[10].

Бу талаблар ҳозир ҳам ўз кучини сақлаб келмоқда. Нутқ гўзал, соф, чиройли, равон, мукамал, аниқ ва равшан бўлишида унга нутқ техникаси хизмат қилади. Нутқ техникаси бир-бирини тўлдирувчи қатор таркибий компонентлардан ташкил топади. Улар 5 қисмдан иборат:

1. Нафас;
2. Артикуляция;

3. Диксия;
4. Овоз;
5. Орфоепия

Нутқ техникасининг асоси нафас ҳисобланади. Нафас машқлари кундалик турмушда оладиган (ўпканинг фақатгина юқори қисмига) нафасдан фарқли ўлароқ, диафрагмал-аралаш нафас олиш орқали амалга оширилади.

Нафас инсон организмнинг мавжудлигидан бошлаб ишлаб келади[11]. У бевосита юрак фаолиятининг биоритмик жараёни билан алоқадор. Бу жараён доимий ва мустақил кечгани учун инсон уни гоҳо англайди, гоҳо англамайди. Нафас билан юрак ҳамма ички аъзолар вегетатив нерв системасини бошқаради. Инсон тирик экан юрак уриш ритми қандайлигига қараб нафас олади[20]. Яъни, қачонки хотиржам ёки кайфияти чоғ бўлса, нафас ва юрак фаолияти (ҳаракати) сусаяди. Аксинча, кўнгил нотинч ва хавотирда бўлса, бу ҳаракат кучаяди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бу ҳаракатни бошқариш инсон зиммасидадир. Айниқса, умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари сўзларни мукаммал ҳолатда айтишлари ўқув ҳамда илмий фаолиятида улкан натижаларга олиб келади. Шу билан бирга турли танловлардаги оғизаки нутқида сезиларли натижаларга олиб келади. Шу ўринда нафас учун 6 машқдан иборат тренингни кўрсатиб ўтсак[12].

1. Дастлабки ҳолат - оёқлар елка кенглигида. Гавда эркинлиги текширилади. Булоқдан ҳовучлаб олган сув бошдан қуйиб юборилади. Ишдан чарчаган гавда муздай сувдан маза қилганлиги сезилади. Нафас олинади ва қўллар ҳам елка кенглигида юқорига қаратиб кўтарилган ҳолда тик турилади. Бунда гавдада эркинлик сезилади, нафас чиқарилади[13].

2. Биринчи ҳолатни бузмаган ҳолда энгашилади. Худди ҳаётга эндигина келгандек ҳис этилади. Нафас олинади, нафас чиқарилади.

3. Дастлабки ҳолат - оёқлар елка кенглигидан зиёдроқ кенгликда, қўллар икки ёнга тортилган. Нафас олганда ўнг қўл ярим доира шаклида тепадан чап қўл томон ҳаракатлантирилади. Гавда ён томонга энгашади. Машқ аксинча яна давом этади. Бунда ҳам ўзни худди сўнган ойдек тасаввур қилиш мумкин[14].

4. Дастлабки ҳолат - оёқлар елка кенглигида, қўллар худди камон отаётгандек. Ана шу ҳолатда камон ипи тортилганда нафас олинади. Камон тортилган томондаги оёқ-тизза букилади. Дастлабки ҳолатга қайтганда нафас чиқарилади. Қўл ва бармоқлар эркин. Машқ аксинча давом эттирилади[15].

5. Мувозанатни сақлай олиш машқининг дастлабки ҳолати - ўнг оёқ орқага букилади ва чап қўл билан ушланади. Ўнг қўл олдинга тортилади, нафас олинади. Дастлабки ҳолатга қайтганда нафас чиқарилади. Машқ аксинча қайтарилади. Бу машқда биронта ҳолат тасаввур қилинмаса-да, психофизик ҳаракатни амалга оширилиши жуда фойдалидир. (Бу ҳолатда бешгача санаб, тўрт марта ўзгарадиган

ҳолатда машқ қила олган талабалар ҳам бўлган. Бу уларнинг иродасини ҳам тарбиялайди[16].)

6. Агар чиройли қомат ижрочига албатта керак, деган мақсад бўлса, навбатдаги машқни тўғри бажариш зарур. Қўллар таранг қилиб кўтарилиб бирлаштирилади, бош икки қўл орасида сиқилиб қолади. Оёқлар учига кўтарилганда нафас олинади. Орқага қайтгач нафас чиқарилади[17].

Энг муҳими, сўз ва маъно тушунчаларини тушуниш ва йўналтириш учун кўп адабиёт, бадиий, илмий, шеърят, наср ўқиш, луғатларга мурожаат қилиш зарур. Файласуфлар ва бошқа маърифатпарварларнинг илмий асарларини ўқиш ҳам фойдали бўлади[18]. Ўзингизни шундай билим юки билан тўлдирганингиздан сўнг, сиз, албатта, энг яхши нутқни ва зўр маърузачи ролини бажарасиз!

Хулоса:

Нутқнинг тузилишини таҳлил қилиб, шундай хулосага келишимиз мумкинки, нотиклик нутқини қуриш қоидаларини билмасдан, тингловчиларга таъсир қилиш самарадорлиги тезда пасайиб бормоқда. Шунингдек, нутқингизни малакали, тўғри ва профессионал тарзда қуришга ёрдам берадиган лексик ва синтактик хусусиятларни ҳам унутмаслик керак[19].

Шундай қилиб, нутққа тайёргарлик кўраётганда, биз мавзунинг ишончли асосли ривожланиши, унинг яхши маълумот билан таъминланиши ҳақида ғамхўрлик қилиш керак. Нутқнинг нутқ дизайни тингловчилар билан доимий алоқани таъминлаши ва таркибни тез ва ишончли ўзлаштиришга ҳисса қўшиши керак.

АДАБИЁТЛАР

1. Abdunabievich, F. A., Ugli, F. O. B., & Norbutaevna, N. D. (2022). TYPES OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES THAT CORRESPOND TO THE SPECIFICS OF MORAL AND AESTHETIC EDUCATION AND TEACHING OF STUDENTS.
2. Abdurazakov, F. A., & Meliev, S. K. (2022). Interactive Methods Used In The Formation Of Creative Activity (On The Example Of Primary School Students). Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 10(1), 257-262.
3. Abdurazakov, F. A., & ugli Odinaboboev, F. B. (2022). PEDAGOGICAL IMPORTANCE OF USING MODULE EDUCATIONAL TECHNOLOGIES IN THE SYSTEM OF CONTINUOUS EDUCATION ON THE BASIS OF MODERN APPROACHES. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(1), 173-180.
4. Baxriddin o'g'li, F. O., Abdunabiyevich, F. A., & Norbo'Tayevna, N. D. (2022). IMPROVING VOCATIONAL EDUCATION IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS BY DEVELOPING PRIMARY MECHANISMS OF NATIONAL CRAFTS. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(02), 577-580.

5. Farmonova, S. (2019). THE TOLE OF THE PROJECT TEACHING TOOL IN DEVELOPING THE COMMUNICATIVE CULTURE OF FUTURE TEACHERS. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(6), 434-441.
6. Farmonova, S. (2021). Opportunities for the Development of the Communicative Culture of Future Teachers through the Design of Teaching. International Journal of Culture and Modernity, 11, 172-175.
7. FARMONOVA, S. M. (2020). Improvement of Professional Thinking in Future Teachers. International Journal of Innovations in Engineering Research and Technology, 7(05), 251-257.
8. Norbutaevna, N. D., & Kizi, M. R. S. (2022). PEDAGOGICAL SYSTEM FOR FORMING SPIRITUAL COMPETENCE OF STUDENTS IN MODERN CONDITIONS. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(3), 754-760.
9. Rustam KHURRAMOV. (2022). DEVELOPING CREATIVE THINKING SKILLS OF STUDENTS THROUGH INTEGRATION-BASED PRIMARY CLASSES. European Scholar Journal, 3(8), 32-37.
10. Rustam KHURRAMOV. (2022). EDUCATIONAL TASKS IN THE PRIMARY CLASS ARE A TOOL FOR DEVELOPING STUDENTS' HEURISTIC SKILLS. World Bulletin of Social Sciences, 13, 22-25.
11. Salokhitdinova, N. M. (2020). PROVIDING MEMBERSHIP BETWEEN TESTING AND INTERNATIONAL ASSESSMENT PROGRAMS FROM PRIMARY SCHOOL MATHEMATICS (An example of elementary school math). Scientific Bulletin of Namangan State University, 2(12), 14-19.
12. Sharafutdinova, K. G. (2020). Destruction of family relations psychoprophylaxis family-neighborhood-educational institution cooperation. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(11), 1000-1007.
13. Sharafutdinova, K. G. (2021). THE ROLE OF TEMPERAMENT IN THE FORMATION OF INDIVIDUAL AND DESTRUCTIVE INDIVIDUAL RELATIONSHIP STYLE. Theoretical & Applied Science, (8), 210-214.
14. Sharafutdinova, K. G., Kulmamatova, F. K., & Haydarova, S. (2021). The role of cognitive psychology in the elimination of destructive behavior. Asian Journal Of Multidimensional Research, 10(4), 957-964.
15. Рустам Хуррамов. (2022). ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЭВРИСТИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ. E Conference Zone, 138–142
16. Салохитдинова, Н. (2021). Development prospects of primary education integration (on the example of exact and natural sciences). Общество и инновации, 2(7/S), 221-225.
17. Салохитдинова, Н. М., & Эрданаев, Р. Х. (2021). РАҚАМЛИ ДУНЁ ШАРОИТИДА ТАЪЛИМГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВНИНГ ПЕДАГОГИК

- АСОСЛАРИ. Academic research in educational sciences, 2(NUU Conference 1), 271-274.
- 18.Хуррамов , Р. (2022). Методика развития эвристических способностей студентов с помощью игры. Общество и инновации, 3(4), 188–194.
- 19.Шарафутдинова, Х. Г. (2021). OILADA DESTRUKTIV SHAXS XUSUSIYATLARI. Academic research in educational sciences, 2(11), 231-236.
- 20.Шарафутдинова, Х. Г., & Бердиева, М. М. (2018). ПРОБЛЕМА ЛИЧНОСТНО-ОРИЕНТИРОВАННОГО ОТНОШЕНИЯ К РЕБЁНКУ В ПРОЦЕССЕ ОБРАЗОВАНИЯ. Гуманитарный трактат, (25), 89-91.
- 21.Шарафутдинова, Х. Г., & Нормуминова, Д. Э. (2020). Преодоление тревожности с помощью когнитивно-поведенческой психотерапии. Педагогическое образование и наука, (1), 124-127.